06:00 "Мумтоз навалар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" аборот-таҳлилий

дастури
09:20 "Муҳаббат иштироблари" т/с (12-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Омадди йилгилар" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" аборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Чой устида" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Хайт мурабба" 6/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" аборот блоки
16:05 "Клон" т/с (203-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намоёйиш этади
18:10 Мультифилм
18:30 "Муҳаббат иштироблари" т/с (13-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (204-қисм)
20:30 "Худуд" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Антракс" кўрсатуви
21:30 "Кариб денгизи қароқчилари" 3 6/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Лезвий урвак" 6/ф
02:00 Тунгизга хайри бўлсин!

Жума

06:00 "Мумтоз навалар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" аборот-таҳлилий дастури
09:20 "Муҳаббат иштироблари" т/с (13-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Севги марафони" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" аборот блоки
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 қадр" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Марра сари йул" 6/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" аборот блоки
16:05 "Клон" т/с (204-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намоёйиш этади
18:10 Мультифилм
18:30 "Муҳаббат иштироблари" т/с (14-қисм)

19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (205-қисм)
20:30 "Худуд" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Екирдан кулдилар" кўрсатуви
21:30 "Кариб денгизи қароқчилари" 4 6/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Тайна Аллея" 6/ф
02:00 Тунгизга хайри бўлсин!

Шанба

06:00 "Мумтоз навалар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "25 қадр" кўрсатуви
09:00 "Худуд" аборот-таҳлилий дастури
09:20 "Шерорак" м/ф (1 қисм)
00:00 "Салом севги, хайр севги" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-лам олиш дастури
13:00 "Муҳаббат хотирлари" 6/ф
15:00 "Дилшад ласқарлар" теле-шоу
16:20 "Борига баракка" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си
18:00 "Жери олмас" 6/ф
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Янги олма" кўрсатуви
19:50 "Сомеди УЗ" теле-шоу
20:00 "Супер келинчак" теле-шоу
21:00 "Уфалтар" кўнгличлар кўрсатуви
22:00 "Парвоз авяк" кўрсатуви
23:00 "Дон" 6/ф (Хиндистон)
02:00 Тунгизга хайри бўлсин!

Якшанба

06:00 "Мумтоз навалар" дастури
06:30 "Файли тоғи" дастури
08:30 "Бунин хайт дейдилар"
09:00 "Шерорак" м/ф (2 қисм)
10:00 "Гулливернинг саргуаштлари" 6/ф
11:00 "Сомеди УЗ" теле-шоу
12:00 "Уфалтар" кўнгличлар кўрсатуви
13:00 "Супер келинчак" теле-шоу
13:40 "Парвоз авяк" кўрсатуви
14:30 "Дон" 6/ф (Хиндистон)
16:30 "Парламент сойти" аборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си
18:00 "Антракс" кўрсатуви
18:40 "Бизнинг объективал" кўрсатуви
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Дилшад ласқарлар" теле-шоу
21:00 "Дийдор ширин" мусиқий-лам олиш дастури
22:00 "Тундан тоғча-2" 6/ф
00:45 "Муслик вақти" дастури
01:00 Тунги кинозал: "Лев зимой" 6/ф
02:00 Тунгизга хайри бўлсин!

ТВ-дастурлар «Салдо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

YANGI NOMLAR

KREATIV



ТЎРТИНЧИСИ ОРТИҚЧА ЭМАС

Францияда тўртинчи мобил алоқа операторининг пайдо бўлиши, маҳаллий ҳукуматнинг эътирофича, мобил алоқа бозори учун ижобий натижа келтирмоқда.

Бир йил муқаддам француз бозорида пайдо бўлган ва амалдаги "катта учлик"ни росманасига жазавага солган Free Mobile ўтган қисқа вақт мобайнида анчагина оммалашиб, мавқени мустаҳкамлаб олди. Франция рақамли иқтисодиёт вазири Флер Пеллериннинг таъкидлашича, мамлакатда тўртинчи мобил алоқа операторининг туғилиши ҳам иқтисодиёт, ҳам фуқаролар учун бирдай наф келтирмоқда.

Экспертлар ўтказган таҳлилларга қўра, Францияда бемалол 4та мобил оператор фаолият кўрсатса бўлади ва бозорда айнан шу таҳлитдаги мувозанат ўрнатилиши лозим.

Free Mobile жозибадор тарифлари билан абонентлар ишончини қозона олди — нафақат Европа, балки дунё миқёсида олганда ҳам нисбатан арзон нархлар белгилади. Натيجалар куттириб қўймади, расман ишга тушганидан атиги уч ой ўтиб компания абонентлари сони 2,6 миллион нафарга етди.

2012 йил иккинчи чорагида янги операторнинг абонентлар базаси 3,6 млн.га, учинчи чорақда эса 4,4 млн.га етди. Компаниянинг режалари улкан: яқин давр ичида француз мобил алоқа бозорининг 15 фоизини, кейинчалик эса 25 фоизини банд этмоқчи. Компания ўз тармоғи билан мамлакатнинг 37 млн. аҳолисини қамраб олган.

Франциядаги мобил алоқа база станциялари сони

№	Оператор	3G	4G
1	Orange	15200	403
2	SFR	10400	207
3	Bouygues	9200	272
4	Free Mobile	1780	14

Google Ирландияни танлади

Ирландиянинг нам та салқин хавоси Google корпорациясига ёқиб қолган шекилли, интернет-гигант бу ердаги маълумотларни ишлаш марказига яна 75 млн. доллар сармоя киритди. "Зумрад орол"нинг совуқ хавоси сабаб марказда ишлатилаётган процессорларни совутиш учун кўп энергия сарфланмайди (12 фоизгача тежалади), ўз-ўзидан экологик меъёрларга ҳам дахл қилинмайди.

Ирландиядаги Data-марказ Googleнинг Европадаги энг йирик маркази бўлиб (Европа марказлари орасидаги улуши — 40 фоиз), 2000 ходим ишляпти.



SHUNAQASI HAM BO'LADI

"ЎҒРИ" ПЕНСИОНЕР

Икки йилдирки, 59 ёшли пенсионер Уэйн Добсонни телефониши йўқотган ёки ўғирлатган кишилар хол-жонига қўйишмайпти: мобил операторнинг кузатиш тизимидаги носозликлар бунга сабаб бўляпти.

Чақирилмаган меҳмонлар Добсоннига хоҳ кундузи, хоҳ кечаси ёлғиз ёки полиция ҳамроҳлигида бостириб келаверишди ва телефонларини қайтариб беришни талаб қилишди. Бечора қария охири эшигига уйда ҳеч қандай ўғирланган телефон йўқлиги ёзилган лавҳани илб қўйишга мажбур бўлди.

Аксарият замонавий телефонлар уларнинг қаердалигини кўрсатувчи дастурий таъминотга эга. Аммо GPS-сигналга асосланган бу тизимлар кўпинча аниқ нуқтани эмас, балки шунга яқинроқ жойни акс эттиради.

Худудга хизмат кўрсатувчи Sprint мобил оператори мазкур англашилмовчиликка чек қўйишга ваъда берган.

AT-XABARLAR

КИМЛИГИНГИЗНИ ҲАММА БИЛАДИ

Хитой ҳукумати интернетга киришда ҳақиқий шахсий маълумотларни кўрсатишни кўзда тутувчи қонуни лойиҳасини тасдиқлади.

Бундан мақсад фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоялаш ва спамга қарши курашни дейилмоқда. Шунингдек, янги қонуни интернетда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда миллий хавфсизликни кафолатлаш каби мақсадларга хизмат қилиши таъкидланган.



КОРЕЙСЧА ТАНТИЛИК

Шимолий Кореяда сайёҳларнинг мобил телефонлардан фойдаланишларига рухсат этилди.

КХДРга кирувчи хорижликлар ўз қурилмаларининг идентификация рақами кўрсатилган қоғозни тўлдиришади. Сўнгра улар мамлакат худудида 3G стандартидаги мобил алоқадан фойдаланишлари мумкин бўлади. Илгари бу мамлакатга киришда мобил телефонлар божхонада қолдириларди.

Кейинчалик мобил интернетдан ҳам фойдаланишга рухсат этилиши кутиляпти. Айтиш керакки, шимолий корейс давлатида санокли ташкилотларгина интернетдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Интернет муқобили сифатида эса ички Кванмён тармоғи ишлаб турибди. У орқали тарғибот-ташвиқот руҳидаги материаллар билан танишиш, текширувдан ўтган турли илмий сайтларга кириш мумкин.



ҚАЛОВИ ТОПИЛДИ

Япония электроника гиганти — Sony компанияси Нью-Йоркдаги штаб-квартирасини 1,1 млрд. долларга сотмоқчи. Sony, айниқса, сўнгги тўрт йилда электротехника соҳасида мавқени йўқотди. Шу боис, мунтазам равишда 10 мингта иш ўринини қисқартирмоқчи. Бинони сотиш режаси ҳам мазкур дастурга киритилган бўлиб, тушган фойдани истикболли лойиҳаларга йўналтириш кўзда тутилган.

XABAR-LUG'AT

ТРАФИК (ИНГЛ. TRAFFIC)

телекоммуникация тармоғи орқали узатилаётган хабарлар (матн, аудио, видео) тўплами. Трафик вақт бирлигида узатилаётган, компютер хотираси ўлчам бирлиги (бит/сония)да ифодаланган ахборот ҳажми билан аниқланади.

МАРВЕЛНИНГ АНТИРЕКОРДИ


Америка суди ҳакамлар ҳайъати қарорига қўра, Marvell компанияси Карнеги-Меллон университетига 1,17 млрд. доллар патент жаримаси тўлайди. Ярим ўтказгич қисмлари ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчилар қаторида турувчи компания университетга тегишли исхита патентни ноқонуний ўзлаштирилганликда айбдор деб топилди.

ТРАКТ (ИНГЛ. PATH)

маълумотлар узатиладиган каналлар кетма-кетлиги ёки йўли. Тракт маълумотларини узатиш йўлини аниқлаган ҳолларда, уни кўпинча маршрут ҳам деб аташади. Булар тракт бўйлаб узатилаётган тармоқдаги маълумотлар блокли, МБдаги ахборот йиғмаси, дастурдаги буйруқлар кетма-кетлиги ва ахборот излашдаги файллар кетма-кетлиги бўлиши мумкин.

ФОТО-ХАВАР

IT-саноатнинг икки вакили: Apple корпорацияси бош директори Тим Кук ҳамда Yahoo интернет-компанияси бош директори Марисса Майер 2012 йили Time журнаlining "Йил кишиси" номинантлари қаторига киритилди.



1993 йили Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — "UNICON.UZ" ДУК қошида В.Ковал раҳбарлигида норматив ҳужжатлар бўлими ташкил этилди. Тармоқнинг халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштирилган норматив ва ҳуқуқий базасини яратиш бўйича ишлар бўлимнинг вазифаси эди. Айтиш мумкин, Республика ахборот-ҳисоблаш марказидан тақдим қилинган кутубхона асосида норматив ҳужжатлар фонди шакллантирилди. Шундан сўнг норматив ҳужжатлар бўлими стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот бўлими деб қайта номланди.

3 амонавий технологиялар асосида телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш, сифатли хизматларни тақдим этиш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш доирасида халқаро талабларга жавоб берадиган стандартлаштириш тармоқ тизимини яратиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонуни бажариш, тармоқ корхоналарининг стандартлаштириш бўйича фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, махсулот ва хизматлар сифатининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси)нинг 1997 йил 15 апрелдаги 145-буйруғи билан илмий-тадқиқот бўлими базасида Стандартлаштириш таянч ташкилоти (СТТ)нинг ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Стандартлаштириш таянч ташкилоти 1999 йилнинг 9 июнида 22-сонли рақам билан "Ўзстандарт" агентлигида рўйхатга олинган.

Стандартлаштириш таянч ташкилоти тўғрисидаги низом билан СТТга қуйидаги асосий вазифа ва функциялар юкланган:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказиладиган стандартлаштириш бўйича ишларни (режалаштириш, ҳисобот бериш ва ўқитиш) мувофиқлаштириш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатлар фондиди шакллантириш ва юритиш, ҳужжатларни рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва

Стандартлаштириш таянч ташкилоти

Соҳа корхоналарига стандартлаштириш бўйича ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади

сақлаш, шунингдек, уларга ўзгаришлар киритишни ташкил қилиш;

- норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, алоқа ва ахборотлаштириш бўйича стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатлар экспертизасини ўтказиш, шунингдек, уларни келишиш;

- тармоқ норматив ҳужжатларида қўрсаткичлар ва нормаларнинг амалдаги стандартлар мажбурий талабларига мослигини аниқлаш мақсадида ушбу норматив ҳужжатларнинг мунтазам текширувларини ўтказиш;

- стандартлаштириш бўйича иш режаларини ва стандартларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни ҳамда стандартлаштириш бўйича режалар ва тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларга услубий ёрдам кўрсатиш;

- алоқа ва ахборотлаштириш мавзуси бўйича давлат ва давлатлараро стандартлаштириш режаларининг лойиҳаларга таклифлар тайёрлаш.

Юқорида айтилганлардан ташқари, СТТ ходимлари Стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмитаси, норматив ҳужжатлар бўйича Эксперт комиссияси, Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашининг йиғилишларида иштирок этадилар.

СТТ "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни қўриқлаш ҳамда Архитектура ва қурилиш давлат қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

СТТ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатларнинг норма назоратини амалга оширади. Шунингдек, мутахассисларимиз Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари назорати Давлат инспекцияси комиссиясининг таркибига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар стандартлаштириш ишларининг ҳолати бўйича режа асосида текширувларини ўтказишда



СТТ "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикасининг Табиатни қўриқлаш ҳамда Архитектура ва қурилиш давлат қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

иштирок этишади.

Соҳадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида халқаро, давлатлараро, миллий ва минтақавий норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ норматив ҳужжатларининг кенг қўлланиши таъминлаш учун 1997 йилдан бери ишлаб келаётган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг Маълумот-ахборот фонди ташкил этилди. Ушбу фонdda халқаро ташкилотларнинг норматив ҳужжатлари, давлат стандартлари, раҳбарий ҳужжатлар, амалдаги тармоқ стандартлари, санитария норма ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар мавжуд. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган норматив ҳужжатлар фонdda алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, СТТда илмий-тадқиқотлар ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда, уларнинг кўпи амалий жиҳатдан қўлланган. Хусусан, тармоқ норматив ҳужжатларининг интеграциялашган маълумотлар банки автоматлаштирилган тизими яратилди. Кейинчалик унинг дастурий таъминоти такомиллаштирилди ва тармоқ версияси ишлаб чиқилди. Норма-

тив ҳужжатлар фондидан фойдаланиш, тезкор ҳамда ишончли ахборотни тақдим этишни осонлаштириш мақсадида норматив ҳужжатларнинг электрон маълумотлар банки ташкил этилди, унинг сервис функцияларига норматив ҳужжатнинг рақами, унинг тўлиқ ёки қисқартирилган номидан фойдаланиб керакли ахборотни кидириш тизими қиради. Маълумотлар банкнинг интернет талқини ишлаб чиқилди, бу интернет тармоғи орқали норматив ҳужжатлардан тез ва тўсиқсиз фойдаланишни таъминлайди.

"Ахборот ва наشريётчилик иши бўйича норматив ҳужжатлар таҳлили, давлат стандартларини яратиш ва жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш" илмий-тадқиқот ишини бажариш натижалари ҳамда ахборот-кутубхона ва наشريётчилик иши тизими бўйича бир қатор давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Техник жиҳатдан тартибга солишга бағишлаб олиб борилган ИТИ асосида ҳозирги вақтда тармоқда туртта техник регламент ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, илмий-тадқиқот институтида малакаларини оширадиган, турли конференция, семинар, кўргазма ва тренингларда қатнашадилар.

Мутахассисларимиз стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар билан янада яқинроқ ҳамкорликни ташкил қилиш, шунингдек, тармоқдаги техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Елена СИНЯШИНА,
"UNICON.UZ" ДУК
Стандартлаштириш таянч
ташкилоти бошлиғи

ФАКТ

Google'ning mashhur logotipi muallifi — kompaniya xujayinlaridan biri bulgan Sergey Brin hisoblanadi. Bayramlar munosabati bilan esa rassom Dennis Xuanq qalamiga mansub logotiplar sayt boim sahifasiga joylashtiriladi.



Энг катта интернет-аукцион — eBay 1995 йили рўйхатдан ўтган. Унда амалга ошган энг қиммат лот — Gulfstream V самолёти бўлди. Реактив самолётни 40 млн. долларга сотиб олишган.



2001 йилнинг 2 январ куни Лаос ҳукумати юқори даражали миллий домени ҳуқуқини (.la) Лос-Анжелес шаҳрига сотди. Бу домнда исталган мамлакатнинг фуқаро ва ташкилотлари рўйхатдан ўтишлари мумкин.



ҲАМКОРЛИК

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "ALSKOM" суғурта компанияси янги лойиҳага қўл урди

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан кўрсатилаётган қўшимча хизмат турларини кенгайтириш, мамлакатнинг чекка ҳудудларида жойлашган аҳолини кенг қамровли суғурта хизматлари билан таъминлаш мақсадида 2012 йил 21 декабрда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "ALSKOM" суғурта компанияси қўшма буйруғи қабул қилинди.

Унга қўра, почта боғламалари ва бўлинмаларида тез ва қулай тарзда "ALSKOM" суғурта компаниясининг суғурта хизматларини кенг сотиш ширини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу борадаги ҳамкорлик "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг ҳудудий филиаллари ва "ALSKOM" суғурта компаниясининг филиаллари ўртасида тузилган агентлик келишувлари асосида амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 11 январидан эътиборан, буйруқ билан тасдиқланган жадвалга асосан, жойларда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча филиалларида почтанинг масъул ходимлари учун суғурта полисларини сотиш бўйича ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Тез кунларда жамиятнинг кенг тармоғи орқали аҳоли учун мақбул суғурта хизматлари сотуви ташкил этилади. Хатто мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи юрдошларимиз ҳам почта алоқаси тармоқлари орқали суғурта хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "ALSKOM" суғурта компанияси ҳамкорлигида бошланган ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз аҳолисини қулай тарада суғурта хизматлари билан таъминлаш билан бир қаторда, почта тизимида қўшимча хизмат турларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Инглиз тили машғулотлари

Кимки, бошқа тилларни билмаса она тили ҳақида ҳам равшан тасаввурга эга бўлмайди — Гётенинг бу ҳикмати моҳиятини англаган киши, албатта, икки-учта тилни ўрганишга ҳаракат қилади. Тиббиётчи олимларнинг ёзишларича, кўп тилларни ўрганган, бемалол сўзлаша оладиганларнинг фикр қамровлари ҳам, дунёқарашлари ҳам бағоят кенг ва теран бўлар экан.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ директорининг 2012 йил 7 ноябрдаги "Жамият бошқарув аппарати ва тизимдаги филиалларида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис ходимларининг чет тили билимларини ошириш тўғрисида"ги буйруғига асосан Фарғона филиалида 2012 йил 3 декабр кунидан буён 15 нафардан ходим бириктирилган учта гуруҳда инглиз тилини ўргатиш машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Хайъати талаблари даражасида машғулотлар ўтказишга ҳаракат қилаётган икки нафар инглиз тили ўқитувчиси билан суҳбатда бўлдик.

— Мен Фарғона давлат педагогика институтининг (ҳозирда университет) хорижий тиллар факултетини тугаллаб, Риштон туманидаги 1-умумтаълим мактабида иш бошлаганимда чет тилларига эътибор суст, шароит йўқ даражада эди, — дейди ТАТУ Фарғона филиали "Тиллар ва спорт"

кафедраси ўқитувчиси Асадулло Нийзов. — Мана, орадан қанча йиллар ўтди. Мустақиллик шарофати билан чет тилларини ўрганишга эътибор кучайгандан-кучаймоқда. 26 нафар ўқувчим АКШ, Англия, Белгия каби мамлакатларда таҳсил олиб қайтдилар. Улар ҳозирда турли нуфузли идораларда хизмат қилишмоқда. 30 нафар ўқувчим эса менинг касбимни ардоқлаб келишмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорини айрича қувонч ва шодликлар билан қутиб олдим.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан раҳбар ва мутахассисларга инглиз тили ўқитилаётганлиги ҳам ана шундай улуғмақсадларга хизмат қилади, десак асло муболаға бўлмайди.

Абдуллажон Раҳмонбердиев ҳам ТАТУ Фарғона филиалининг шу кафедрасида иш бошлаганига бир йилдан ошди. У ҳам почта ходимларига инглиз тилидан машғулотлар ўтмоқда.

— Соҳа ходимлари инглиз тилини кизиқиш билан ўрганишмоқда, — дейди у. — Тингловчиларимизнинг лаёқати чакки эмас. Саволлар кўп. Бу ҳам бўлса, уларнинг тил ўрганишга ғайрат қилаётганларидан бир дарак, албатта. Айримлар хизмат боисидан дарсларда тўлиқ иштирок этолмаётганидан таассуфда. Кизикқан-

ларга уйда инглиз тилини ўрганиш бўйича ҳам маслаҳатлар берамиз. Интернетда онлайн тарзида ҳам тил ўргана бўлади. Бунинг учун бир жойга боришнинг ҳожати йўқ, вақт ҳам тежаллади.

Тил билган — эл бўлади, дейдилар. Тил ўрганишнинг фойдалари ҳақида яна кўп ва хўп гапириш мумкин.

— Ростини айтсам, — дейди филиал кадрлар бўлими ходими Саидахон Аҳмедова. — Инглиз тилини яхши билмаслигимдан болаларимдан уялиб юрдим. Энди эса мендан ҳам кўра коллежда ўқибатган кизим хурсанд. У менинг уйдаги репетиторим. Мана бу жойда адашдингиз, мана бундай талаффуз қилинг, дея ўргатади. Ишхонамида инглиз тилини бепул, беминнат ўргатишаётгани жуда соз-да. Бунинг учун биз раҳбарларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Иш фаолиятимизда асқотганидан ташқари бир кун келиб бобо-буви бўлганимизда инглиз тили бўйича набираларни дарс қилдирамиз...

Қўқон ва Фарғона туманларидаги почта алоқаси тармоқларида ҳам почтани қабул қилиш ва ишлов берувчи ходимлар ҳамда ТАТУни тугаллаган мутахассислар учун 30 куллиқ инглиз тили ўқувларини ташкил этиш режалаштириб қўйилган.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



SAFAR TAASSUROT LARI

Ажойиб ғоялар билан

Германия Федератив Республикасида немис кутубхоналари фаолияти билан танишишга қаратилган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинарнинг очилиш маросими Гёте институтининг Берлиндаги ваколатхонасида бўлиб ўтди. Семинарда Россия, Украина, Беларусснинг йирик кутубхона вакиллари иштирок этди.

Тошкентдаги Гёте институти маданый маркази кўмагида Ўзбекистондан ушбу семинарда иштирок этиш тавсия этилди. Семинар бир ҳафта давом этиб, Германиянинг йирик кутубхоналари — Бундестаг Парламент кутубхонаси, Германия миллий кутубхонаси, Берлин университетининг илмий кутубхонасига ташриф буюрдик.

У ерда китобхонлар учун яратилган шароитлар мени ҳайратлантирди. Айниқса, бой китоб фондлари, дунёнинг бошқа давлатларидаги йирик оммавий ахборотларга қира олиш, хона ҳарорати ва намлигини мўътадиллаштирувчи махсус қурилмалар, автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш, компютер ўқув заллари, жисмоний имконияти чекланган кишилар учун қулайликлар — ҳаммаси улардан ибрат олишга ундайди. Қўлаб кутубхоналарда махсус мосламалар ўрнатилганлиги туфайли мобил алоқадан фойдаланиш автоматик

равишда тўхтатилади.

Европада ахборот технологияларининг тез ривожланишига қарамадан, электрон китоблар анъанавий босма нашрларни четлаб қўймаган.

Масалан, Лейпцигда жойлашган Германия миллий кутубхонасида 137 км. стеллажлар ўрнатилган бўлиб, йил давомида, ушбу фондни тўлдириш мақсадида, 3 км. стеллаж янги адабиётлар билан тўлдириб борилади.

Кутубхоналарда дам олиш, тановул қилиш учун шароитлар мавжуд. Хизматлар автоматлаштирилган. Транспорт ёрдамида китобхонлар, мониторинг китобларнинг номи ва сонини кўрсатиб, китобларни мустақил топишлари мумкин. Автоматларнинг ўзи китобларни турли соҳаларга кўра тақсимлайди, жумладан, иктисодиёт, сиёсат, санъат ва бошқа соҳадаги китобларни жойига қайтаради. Бошқа миллат вакиллари яшайдиган минта-

қаларда шу этник гуруҳлар эҳтиёжларига мос фондлар шакллантирилади. Бундестаг кутубхонаси менда қатта таассурот қолдирди. ГФР Парламенти аъзолари унинг фойдаланувчилари хисобланади.

Хулоса қилиб шунини айтқчиманки, ажойиб ғоялар билан қайтиб келдим. Бизда Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг уч қаватли АКМ биносини куриш ҳақидаги қарори бор. Унда янги бўлимлар, электрон заллар ташкил этиш, ягона электрон тизимга уланиш, янги дастурий таъминотлар ишлаб чиқиб, замонавий виртуал кутубхонага эришиш кўзда тутилмоқда. Албатта, бунинг учун замонавий қўчма стеллажларни сотиб олиш ҳақидаги масала ҳам ҳал қилинмоқда. Фонднинг электрон базасини яратиш бўйича ишлар давом этапти. Илғор тажрибани қўлаб, биз ҳам илдам ҳаракат қиламиз.

Шаҳодат АҲМЕДОВА,
Пушкин номидаги Самарқанд вилоят АКМ директори

НАЗОРАТ ЭЛЕКТРОН ДАСТУР ОРҚАЛИ

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида Марғилон шаҳар солиқ инспекциясида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, бугунги кунда давлат солиқ инспекциясида ижро учун келиб тушган ҳужжатларни назорат қилишнинг электрон дастури жорий этилди. Бу эса, ўзининг ижобий натижаларини бериб, ижро интизоми бузилиши ҳолатларини кескин камайтирди. Ижро интизоми масаласи доимий равишда ДСИ мажлисларида атрофлича муҳокама қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Шу билан бирга, ижро интизоми янада такомиллаштириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида инспекцияда электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилди. Бу, ўз навбатида, келиб тушган ҳужжатларнинг ижрочиларга қисқа муддатда етказилиши, ахборот алмашувининг жадаллашуви ва хавфсизлиги таъминланиши, ҳужжатлар ижроси юзасидан доимий назоратнинг олиб борилиши таъминлаш билан бирга, қозони тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга замин яратмоқда.

КЎШАЛОҚ ИНТЕРНЕТ-КАФЕ

Хунармандлар шаҳри — Марғилондаги Мустақиллик кўчасида ёш тадбиркорлар Абдоржон Ҳафизов ва Алишержон Расуловлар томонидан иккита ёнма-ён очилган интернет-кафе очилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Хар икки масканда сўнгги русумдаги 100га компютер жамланмасидан фойдаланиб, интернетга уланиш, ер шарининг исталган мамлакати билан мулоқотда бўлиш мумкин.

Ушбу интернет-кафеларда мижозлар факсдан фойдаланишлари, уяли телефонларга мусика, расм, турли ўйинларни, кинофилмларни ёздирришлари, уяли телефонларни таъмирлатишлари, телефонларни сотиб олишлари йўлга қўйилган.


Интернет-кафеларда юмшоқ мебеллар, зарур ахборот технологияларига оид асоб-ускуналар, совуткич, яхна ичимликлар билан савдо қилувчи шохобча мавжуд. Агар компютер орқали дунёга чиқмоқчи истасангиз, бу ерда меҳнат қилаётган тажрибали операторлар сизга ёрдамга келиб, зарур маслаҳатлар беришади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Кўчма ўқув курси

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси тизимидаги вилоятда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбар ва масъул ходимларининг иш юритиш, ижро интизоми, фуқаролар муурожаатлари, архив ишлари такомиллаштириш ва дебитор қарздорликларни бошқариш ҳамда муомала маданияти масалалари бўйича кўчма ўқув курслари ўтказилди.

Тингловчиларга "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш" филиали кадрлар малакасини ошириш хизмати мутахассислари Райимжон Идиев ва Хуршид Ешевлар давлат органлари, муассаса, корхона ва ташкилотларда иш юритишнинг мақсад ва вазифалари, иш юритишни



ташкил этиш тамойиллари, алоқа корхоналарининг бошқарув тизими ҳужжатларини расмийлаштириш, кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, келган хат ва аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва жўнатиш, ҳуж-

жатлар ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солинишида жамоа шартномасининг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар муурожаатлари", "Архив иши тўғрисида", "Давлат тили тўғрисида" ва бошқа қонунларининг мазмун-моҳияти тўғрисида маъруза қилдилар.

Кўчма ўқув курси якунида иштирокчиларнинг ўзлаштирган билимлари тест синовлари асосида баҳолашиб, уларга сертификатлар берилди.

А.ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Алоқа соҳаси фахрийси Сафар Тошбоевнинг ажойиб одати бор эди. Жамоага раҳбарлик даврида Музработ телекоммуникациялар боғламасига келган ёш ходимни, албатта, Тўра аканинг ҳузурига бошлаб борарди.

— Бу киши энг тажрибали муҳандис, — дер эди таништурув чоғи. — Агар Абдурахмоновнинг ишончини қозониб унга эргашсангиз, ҳамкасбларингиз орасидаги ўрнингизни тез топиб olasиз. Уқдингизми?

— Ҳа, устоз!

— Бал-е, унда маҳорат мактабида муваффақиятли тобланишингизга тилакдошман, байрат қилинг!

— Ҳўп бўлади.

Даставвал шогирд билан обдон танишиб олиш — Тўра Абдурахмонов учун одатга айланган. Фаолиятнинг айни шу дебочаси кўп нарсасга оидинлик киритади. Ёш кадрнинг қандай оилада вояга етгани, соҳага тасодифий кириб қолмагани яққол аён бўлади. Устоз хулоса чиқаришга асло шоямайди. Шогирднинг "қадам олиши"га кўпроқ эътибор беради. Кўнгли тўлғач, ўз маҳорат мактаби сабоқларидан баҳраманд этишга астойдил киришади.

Хўш, биринчи топириқ қандай бажарилди? Ютуқ борми ё нуқсон кўпроқми?! Таҳлил шу каби саволларга жавоб топиш асосида ўтказилади. Бордию вазифа кутилганидан аъло бажарилган бўлса ортиқча баҳо берилмайди. Балки, дуруст, деб қўйилади. Хатога йўл қўйилса, уни биргаликда тузатади. Ана шу оталарча муносабат шогирд қалбида меҳр ва ихлос уйғонишига сабабчи бўлади. Зотан, Тўра ака шогирдига ҳеч қачон қаттиқ гапирмаган, аксинча, беайб Парвардигор, бандасининг кўзи ҳаёт йўлларини зинама-зина бошиб пишийди, деб қўяди.

— Мен ҳам Тўрақул аканинг кўп сонли шогирдларидан бири бўлман, — дейди "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг техник директори Гаффор Бердиев. — Устознинг ўғит-насихатлари олий ўқув юртида олган

Табриклайдимиз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Қамаш телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама муҳандиси Аҳмад ЗОКИРОВни 50 ёши билан табриқлайди. Унга узоқ умр, танисхатлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Олтириқ ПАТ ходими Қодиржон НОРИМОВни 55 ёши билан кутлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Ширин туйғулар оғушида

Устоз ва шогирд
анъанасига
камарбасталик

билимларимизни мустаҳкамлаб боришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, устоз ва шогирд анъанаси билан боғлиқ савоб ишга камарбасталик ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб турибди. Шу билан бирга, Тўра Абду-

рахмонов жамоанинг яна бир ишончини ҳам сидқидилдан оқламоқда. У 15 йилдирки, Музработ телекоммуникациялар боғламаси бошланғич касба уюшма ташкилотига раислик қилиб келмоқда. Ўтган йилда "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида бир қатор яхши ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномаси ижроси доирасида кўрсатилган гамхўрликлардан боғлама ходимлари мамнун бўлишди. Жумладан, телеграфчи Розия Муродова ҳамда хизматчи Муяссар Чоршанбиевалар муурожаати ижобий ҳал этилди.

Дарвоқе, Тўра Абдурахмонов мустақил Ватанимиздаги оилапарвар инсонлардан бири ҳисобланади. Уч ўғил, икки қизининг бахту камолини ўйлаб яшаш азиз умрининг устувор йўналишига айланган. Тошкент аграр университетини битирган Одиложоннинг Тошкент темир йўллари институтида ҳам тахсил олаётгани отага қанчалар қувонч бахш этаётганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Фарзандларнинг қолганлари ҳам ўз мустақил ҳаёт йўлини топишган.

Амалдаги Обод турмуш йили музработлик Абдурахмоновлар оиласи учун унутилмас йил бўлиб қолади. Улар миллий байрам Наврўз кунлари янги ва замонавий уйга кўчиб ўтишади. Ҳовли тўйи тўйларга уланади.

Хуллас, алоқа соҳаси фахрийси Тўра Абдурахмонов 35 йилдан кўпроқ вақт бўлибди-ки, эл-юрт хизматида. Фаолиятининг ўтган давридан хурсанд. Аҳил жамоаси ҳурматини қозонди, кўплаб шогирдларга устозлик қилди ва ҳавас қилса аризулик оила кўрғонини яратди. У хар дам ишхонасига шундай ширин туйғулар оғушида келиб, меҳнат кунини янада мазмунли ўтказмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

ФУТБОЛ

Миллий терма жамоа БААда йўғин ўтказмоқда

Мавсумнинг муҳим ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида 21 январ куни БААга жўнаб кетган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Дубайда машғулотлар олиб борапти.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2013 йил ҳисобидан илк йўғинига бош мураббий Миржалол Қосимов жами 27 нафар футболчини жалб этган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси БАА йўғини доирасида ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштирган. Қосимов шогирдлари 23 январ куни Россия Премьер-лигаси вакили "Краснодар" жамоасига қарши майдонга тушишди ва кичик ҳисобда мағлубиятга учрашди. Йўғиннинг сўнгги саваси — 1 феврал куни Озарбайжон миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади.



**Ёшлар терма жамоамиз
ЖЧга тайёргарлик кўрмоқда!**

Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги ёшлар терма жамоамиз Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилаётган МДХ кубоги мусобақаларида иштирок этди.

Гуруҳ ўйинларида Козовистон ёшлар терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Россия ҳамда Қирғизистон терма жамоалари билан бир хил 2:2 ҳисобида дураг натижани қайд этган ўзбекистонлик чарм тўп усталари, плей-офф босқичига чиққандилар.

Чорак финал баҳсида футболчиларимиз яна россияликларга дуч келдилар. Турнир регламентига кўра, чорак финал жуфтликлари гуруҳ ўйинларида тўплаган рейтинг очколарига кўра аниқланади. Шу боис ҳам мусобақани бир гуруҳда бошлаган бу икки терма жамоа чорак финалда ҳам ўзаро баҳс юритадиган бўлди.

Ёшлар терма жамоамиз кўплаб

имкониятларга эга бўлган бўлсада, бу сафар мағлубиятга учради.

Ҳамдўстлик кубоги-2013, чорак финал

Россия — Ўзбекистон — 2:0

Гол: Каюмов (30), Панюков (84)
Маълумки, жорий йилнинг 21 июни — 13 июл кунлари Туркиянинг 7та шаҳрида футбол бўйича ёшлар (20 ёш) ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилади.

Аҳмаджон Мусаев шогирдлари жаҳон чемпионатига қадар ярим йиллик давр ичида мамлакатимиз ва хорижда жами 6та ўқув машғулотини йўғини ўтказишлари, 26та ўртоқлик-назорат учрашувида майдонга тушишлари кўзда тутилган. Ушбу ўйинлардан 13таси халқаро ўртоқлик учрашувлари мақомида ўтказилиши режалаштирилган.

МДХ кубоги баҳслари ҳам жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади.

**Турсунов — йил футболчиси,
Қосимов — йил мураббийи**

2012 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийини аниқлашда жами 184 нафар ОАВ ходими иштирок этди.

Мураббийлар ўртасидаги сўровномада 466 очко тўплаган Миржалол Қосимов энг яқин таъқибчиси, ўсмирлар ўртасидаги 2012 йилги Осиё чемпионатида голиб чиққан Ўзбекистон U-17 ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиевни 182 баллга ортада қолдириди.

Санжар Турсунов эса 321 балл тўплаб, энг яқин таъқибчиси Одил Аҳмедовдан 80 очкога ўзиб кетди.



ЭЪЛОН!

Якка тартибдаги тадбиркор А.Ф.Муталходжаевга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕННИС



**Australian Open:
Истомин аралаш
жуфтликда ярим
финалга чиқди**

Австралиянинг Мелбури шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган "Улкан тож" туркумига кирувчи дувёдаги энг йирик тўрт мусобақанинг бири — Австралия очиқ чемпионати баҳслари хал қилувчи паллага кирди.

Ярим финалга қадар етиб келган теннисчилар орасида ҳамюртимиз, Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчи-

си Денис Истомин ҳам ўрин эгаллаган. Микст (эркак-аёл) баҳсларида козовистонлик шериги Ярослава Шведова билан голибона одимлашда давом этаётган Денис Истомин, чорак финалда испаниялик Нурия Лягостера-Вивес ва Давид Марреро дўстини 6-4, 7-5 натижаси билан мағлуб этиб, бош соврин учун курашни давом эттиришмоқда.

Жўрабек — бош соврин соҳиби

Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Жўрабек Каримов жуфтликлар баҳсида бош совринни қўлга киритди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) шафелигида ташкил этилган мусобақада ўндан зиёд мамлакат теннисчилари голиблик учун куч синашди. Хитойлик Аоран Ванг билан ҳамкорликда учинчи рақамли дўстни ташкил қилган Жўрабек финалда мезбон теннисчилар — Абдуллох Шайх ва Каран Салванини 6-3, 6-1 ҳисобида енгиб, халқаро турнир голиби бўлди.

ШАХМАТ

**Гроссмейстерларимиз
пешқадамлар сафида**

Хиндистонда давом этаётган "Chennai Super Kings-2013" халқаро турнирида гроссмейстерларимиз Марат Жумаев ва Дмитрий Каюмов пешқадамлар сафида бормоқда.

Ўндан зиёд мамлакатдан 259 нафар шахмат устаси баҳслашаётган турнирда саккизинчи партияни хиндистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Рамнатан Баласубраманиямга қарши ўтказган Дмитрий Каюмов олтинчи ғалабасини қўлга киритди.

Турнирда мағлубиятсиз дона сураётган кам сонли шахматчилардан бири — Марат Жумаев мезбонлар вакили Рамнат Бхуванеш билан дураг ўйнади. Ҳозирча олтидан очко жамғарган шахматчиларимиз мусобақа пешқадами — хиндистонлик гроссмейстер Лалит Бабудан ярим очко ортада боришмоқда.



БОКС



**Марс Кўчқоров терма
жамоани бошқаради**

Ўзбекистон Бокс Федерацияси бошқарув кенгаши қарори билан машҳур мутахассис Марс Кўчқоров мамлакат миллий терма жамоасининг бош мураббийи лавозимига тайинланди.

56 ёшли Марс Кўчқоров миллий терма жамоани 12 йил бошқариб келган Шароф Худойбердиевнинг ўринини эгаллади. Айтиш жовзки, спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Марс Кўчқоров Андижон бокс мактабида спортчиларни тайёрлаш билан шуғулланган. 2003-2012 йилларда эса у мураббий сифатида Хитой Тайпейи, Хитой ва Жавубий Корея каби давлатларда фаолият юритган. Кўчқоров таниқли боксчилар — Мухаммадқодир Абдуллаев, Уткир Хайдаров, Руслан Чагаев, Тимур Тудяков каби чарм қўлқоп усталарини тарбиялаган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари назорати бўйича давлат инспекцияси жамоаси инспекция фахрийси

Азат КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Хурматли газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб "Xabar"ga xush kelibsiz" рукнини очишга қарор қилдик. Унда республикамиздаги таниқли адабиёт, санъат, фан ва маданият ходимларининг фаолияти, ижоди билан боғлиқ қизиқарли суҳбатлар, мақола ва фоторепортажларни бериб боришни режалаштирганмиз.


Бизнинг халқимиздай санъатни севадиган, санъаткорини эъозлайдиганлар кам бўлса керак, дунёда. Элининг сеvimли санъаткорига айланш эса санъатни чуқур

ЭЛИНИНГ СЕВИМЛИ САНЪАТКОРИ

билан суҳбатимиз самимий кечди



тушунадиган, устозлари хурматини жойига қўйиб, одамлар эътибори ва меҳрини қадрлай биладиганларгагина насиб этиши ҳам рост гап. Бунга ўзининг дилтортар қўшиқлари, самимийлиги ва оддийлиги билан эл аро хурмат қозонган Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Бобомурод ХАМДАМОВ ҳаёти ва фаолияти мисол бўла олади. Эъозли санъаткор билан суҳбатимиз халқимиз хурсандчилиги ила кутиб олган "Телефон" қўшиғи билан бошланди.



— Бу қўшиқ ўзимга ҳам ёқади, — деди санъаткор кулиб. — Унинг яратилиш тарихи ҳам ажойиб. Биласиз, эл хизматидаги одам-ман, гоҳида концерт, гоҳида тўй дегандай кўпинча қўчада бўлган. Кексаганда эрхотин бир-бирига суяниб қолиши рост экан. Рафикам, Жумагул опангиздан тез-тез хабар олиб тураман. Телефон қилсам баъзида эшитмайди, шунда СМС жўнатаман, очмайди: "Телефон қилсам олмайсан, Телефонни кўтармайсан. СМСни очмайсан, Севгимга ишонмайсан". Қўшиқ шу тарихка пайдо бўлди. Ва кутилмаганда мухлислар орасида тилга тўшди.

— Юртимизда истиқлолдан кейинги даврдаги ривожланиш, хусусан, алоқа соҳасидаги ўзгаришлар ижодини қандай акс этмоқда?

— Мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида амалга оширилган ўзгаришларни таърифлашга тилим ожиз. Истиқлол кадрини биз, уруш даври болалари кўпроқ биламиз ва юракдан хис қиламиз. Шунинг учун ҳам юрт васфини куйлаш мен учун шарафли иш. Алоқа соҳасига келсак, бугунги кунда юксак даражада ривож топган соҳа. Илгарилари хиндистонлик дўстларим билан гаплашиш учун махсус сўзлашув масканларига бориб, қийинчилик билан уларнинг ва гапларимиз бир-биримизга узилиб қолиниб эшитиларди. Хозир эса худди қўшни хонада ўтиргандай гаплашаман. Мобил теле-

фон ҳамма қатори менинг ҳам ҳамроҳим. "Телефон" номли қўшиғимнинг яратилиши ҳам ана шу имкониятлардан мамнулик инфодасидир.

— Қийинчилик инсонни тоблайдми, дейишди. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан бир йил олдин Туркменистоннинг Чоржўй вилоятида, ҳўжалик бухталтери Хамдам ака ҳамда колхозчи Бонухонлар хонадониди таваллуд топдим. Болалигим урушдан кейинги қийин пайтларга тўғри келган. Шароит оғирлиғи туғайли мактабдан чиқибок далага чопардик. МЕНГА 1,5 гектар пахта майдони ажратилган бўлиб, уни қўшқўзиз ёрдамида култивация қилардим. Чарчаганимча ишлаб, уйга қайтар ва спорт билан шуғулланишни бошлардим. Велопойга бўйича ёнлар ўртасида республикада биринчиликни қўлга киритганимда 18 ёшда эдим. Биласизми, оғир шароит инсонни тоблайдми, уни ҳаракатчан ва инициативчан бўлишга ўргатади.

— Устозингиз Комилжон Отаниёзов билан илк учрашуvingиз қандай бўлган?

— Бир куни Чоржўйда таниқли санъаткор Комилжон Отаниёзов концерт берди. Мен у кишининг қўшиқларини шайдоси бўлиб, шогирдликка олишнини жуда-жуда истардим. Лекин салобати босдим, олдига бориб гаплашишга журъатим етмади. Сўнг бир танишим-

дан гаплашиб беришни илтимос қилдим. У устозинг олдига бошлаб борди. Салом-алиқдан сўнг, "Қўшиқ айтишга қизиқасанми, — дея сўради устоз. — Қайси қўшиқларини айтасан?". Мен хиндча қўшиқлар куйлашимни айтдим. Устоз куйлаб беришимни сўради ва мен билан хиндча қўшиқларимни айтиб бердим. Қўшиқларим, овозим устозга маъқул келди ва "Товушнинг ўзига хос ширали экан. Ўзини, элини хурмат қилган одам аввало ўз тилида қўшиқ айтишни яхши ўрганмоғи лозим", деди ва хоҳласам мени ўзи билан олиб кетиши, устозлик қилиши мумкинлигини айтди. Шу тарихка ота-онам руҳсатини олиб, устоз билан кетдим. Ва Комилжон Отаниёзовдек дунё таниган, эли ёқтирган ва эъозланган санъаткорнинг шогирдига айландим. Мен шундай ажойиб инсоннинг шогирди эканлигим билан фахрланаман.

— Хиндистонлик машҳур санъаткор Раж Капур билан қай тарихка дўстлангансиз?

— 1981 йилнинг баҳор кунларида фильм-концерт суратга ола бошладик. Ушанда юртимизга Раж Капур меҳмон бўлиб келган экан. Режиссеримиз "Бобомурод ака, сиз хинд қўшиқларини чиройли ижро этасиз. Фильм-концертга Раж Капур билан бирга қўшиқ айтганингиз саҳнасини киритсак, ажойиб иш бўларди", деб қолди. Жаноб Капур билан "Тошкент" меҳмонхонасида учрашиб, бирга қўшиқ айтдик ва шу тарихка у киши билан дўстлашиб кетдик. Илк учрашувимиздан сўнг Раж Капур "Мен Муқешви Америкада йўқотиб, Ўзбекистонда топдим", — деди мамуният билан. Хозир ҳам Хиндистонга тўй ва концертларга бориб тураман. Хиндлар санъатсевар халқ. Мени сониниб қарши олишди ҳар сафар.

— "Xabar" газетаси ўқувчиларига тилакларингиз.

— Ўзларининг бетиним меҳнати, ўқиб-изланишлари билан алоқа соҳаси ривожига муносиб хисса қўшиб, одамлар узоғини яқин, мушкулсини осон қилаётганлар омон бўлишин. Хаммаларига янги йилда янги омад, бахту шаддат тилайман.

— Сизга ҳам! Ёқимлик қўшиқларингиз билан узоқ йиллар одамлар қўнглини шод-лангирлиқ насиб этсин.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди



Раж Капур: "Мен Муқешви Америкада йўқотиб, Ўзбекистонда топдим."

BILASIZMI?

Сайёраимиз ядроси таркибиди барча олтинни ташқарига чиқаришнинг имкони бўлганда эди, бутун куруқлик сиртинин ярим метр қалинликдаги олтин қоплаб олган бўларди.

30 грамм олтиндан инсон сочидан ўн баравар ингичка бўлган 85 километр узунликдаги ип тайёрлаш мумкин.

Денгиз, дарё ва қўллардан олишган ҳар бир литр сув таркибиди 0, 02 миллиграмм атрофида олтин бўлади.



<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусаяд КЎЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДЛОВ (Хайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САЙГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдулатиф АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўричилиғига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарди</p> <p>"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 18881 нусха.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p> <p>Урганча 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-18-05</p> <p>Қаршида 931-08-99</p>	